

## Лондонда муслималар форуми бўлиб ўтади



07:30 / 07.03.2019 2613

Муслималар форуми жорий йилнинг 31 март куни Лондон шаҳрида Британия муслмонлар кенгаши ва Университет коллежи аёллар тармоғи ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

Муслималарни Британия муслмонлар кенгашининг муслмон аёллар учун тайёрлаган дастурлари билан таништириш, аёлларга ёрдам бериш йўллари тушунишга кўмаклашиш, муслмон аёллар олдида турган тўсиқларни муҳокама қилиб, уларни бартараф этишда Британия муслмонлар кенгашининг вазифалари нималар иборат экани ҳақида маълумотлар бериш Форумнинг мақсади ҳисобланади.

Тадбирда аёллар ва исломий таълим масалалари, ўз-ўзини ҳимоя қилиш тамойиллари, сиёсат ва ижтимоий мавзулар муҳокама этилади.